



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЕТАКЧИЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Фумио Кисиданинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Етакчилар мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ҳамда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шерикликнинг 20 йиллиги билан бир-бирини самимий қутладилар.

2019 йил декабрь ойида Токио шаҳрида ўтган саммит ва олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиб, уларни амалий мазмун билан бойитгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда — жорий йил бошидан товар айирбошлаш кўрсаткичлари икки баробарга ошди. Япония етакчи компанияларининг иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри инвестициялари кўпаймоқда, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларида кўплаб янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Энергетика қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш, sanoatда, шу жумладан, машинасозлик ва кимё тармоқларида замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш, меҳмонхоналар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича биргаликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда Ўзаро ҳамкорликда илк бор ташкил

этилган Япония Рақамли университети фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари Япония Бош вазири ва Ҳукуматиغا Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Япониянинг JICA агентлиги ва Халқаро ҳамкорлик банки — JBIC доирасида кўрсатилган молиявий ва молиявий-техник кўмак ҳажми 7 миллиард доллардан ошгани таъкидланди.

Бундан ташқари, ҳукумат делегацияларининг жорий йилда ўтказилган сермахсул учрашув ва музокараларининг натижалари юқори баҳоланди.

Етакчилар инновациялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, фан ва таълим соҳаларида амалий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастурлари ва парламентлараро мулоқотни давом эттириш муҳимлигини қайд этилди.

Осака шаҳрида ўтказиладиган “ЭКСПО — 2025” бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистоннинг кенг миқёсли экспозициясини ташкил этишга келишиб олинди.

Мулоқот чоғида халқаро кун тартибидagi масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Япония Бош вазири мамлакат БМТ Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши, Корея ярим оролини ядровий қуролдан холи ҳудудга

айлантириш ва ўғирланган япон фуқароларини қайтариш масалаларида Ўзбекистон муттасил қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти Япония томонини Кумамото шаҳрида Сув саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади ҳамда Япония Ҳукумати раҳбари томонидан кенг минтақамизда барқарор тараққиёт ва равангақа эришиш мақсадида илгари сурилган Осиёда амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Бош вазир Фумио Кисида, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишонч, яхши қўшничилик ва кенг қўламли шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини ҳамда Афғонистонда бардавом тинчлик ва иқтисодий тикланишни таъминлашга кўрсатаётган кўмагини юксак баҳолади.

“Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасида Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бутун салоҳиятини ишга солишдан иккала томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Суҳбат якунида Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир Фумио Кисидани мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга таклиф қилди.

Ўзбекистон ва Япония етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очик, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ИСҲОҚҲОН ИБРАТ НОМИДАГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маърифатпарвар олим, шарқ ва ғарб тилларининг билимдони Исҳоқхон Ибрatнинг ёрқин хотираси ҳамда номини абадийлаштириш, Наманган вилоятида хорижий тилларни мукаммал эгаллаган, чуқур билимга эга бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг Наманган шаҳрида **Исҳоқхон Ибрat номидаги Наманган давлат чет тиллари институти**ни (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади.

2. Қуйидагилар **Институт фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

халқаро баҳолаш дастурларидан (PISA, TALIS, PIRLS) фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий шакллари ҳамда методларини жорий этиш, ушбу билим ва кўникмаларга эга бўлган олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

ўз таълим дастурларини халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари

рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим муассасаларининг дастурлари асосида шакллантириш;

чет тилларини ўқитишнинг интерфаол воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида чет тилларини ўрганишни оммавийлаштиришга кўмаклашиш;

таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқув жараёнига рақамли технологияларни татбиқ қилиш, талабаларда синхрон, бадий, кетма-кет ҳамда илмий-техник таржима кўникмаларини шакллантириш;

чет тиллар бўйича маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда янги авлод ўқув адабиётларини яратиш, ахборот-ресурс марказларни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш ҳамда уларни мунтазам янгиллаб бориш;

Институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қўшма таълим дастурлари ҳамда илмий лойиҳаларни амалга ошириш.

▶ Давами 2-бетда

КУН МАВЗУСИ

ОЗИҚ-ОРҚАТ ТАЪМИНОТИ ДА НАРХ-НАВО барқарорлиги доимий эътиборда

▶ 4-бетга қаранг

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ – МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛ

Конституция мамлакат суверенитети, миллий давлатчилик ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган, фуқароларнинг манфаатлари, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган стратегик ҳужжат ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари тажрибасидан маълумки, Конституция қанчалик мукаммал ишлаб чиқилган бўлмасин, қотиб қолган ҳужжат эмас. Аксинча, у давр билан ҳамнафас ва уйғун равишда доимий такомиллашиб бориши зарур. Дунёнинг деярли барча мамлакатлари асосий қонунлари турли тузатиш, тўлдириш ва ўзгартиришлар билан такомиллашиб борганки, бу замонавий конституцияларнинг фундаментал хусусиятидир.

▶ Давами 3-бетда

МУМТОЗ МУСИҚАМИЗ ФИДОЙИСИГА ЭҲТИРОМ

Миллий мусиқамизнинг бебаҳолиги, бетакрорлигини тарғиб этишда устоз санъаткорларнинг ўрни, заҳматли меҳнатлари беқиёсдир. Атоқли бастакор Абдуҳошим Исмоилов миллий мусиқа санъатимизни мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида тарғиб этишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан миллий санъатимизга кўрсатилаётган эътибор, айниқса, мақом санъатимизни янада раванқ топтиришда, устозлар ижодини ардоқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари фармонига мувофиқ устоз санъаткор Абдуҳошим Исмоилов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони билан тақдирланди.

▶ Давами 5-бетда

ҲИСОБОТ ВА ТАҲЛИЛ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БИРЛАМЧИ АСОСИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) яқинда ўз расмий сайтида 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ДИИХБ сайловни кузатиш бўйича миссиясининг якуний ҳисоботини эълон қилди. Шу муносабат билан ЕХХТ ДИИХБ делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи қутилмоқда.

Тавсия, ташриф ва тақдимот

2021 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайловлар тарихида илк бор ЕХХТ ДИИХБ, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва Европа Парламенти томонидан кузатиб борилди. Сайлов куни ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва Европа Парламенти делегациялари

ДИИХБ миссиясига қўшилди, шу тариқа 44 мамлакатдан 365 кузатувчидан иборат халқаро сайловни кузатиш миссияси шаклланди.

Президент сайловини кузатиш учун ЕХХТ Парламент Ассамблеяси илк бор 27 мамлакатдан 100 нафар парламентарий ҳамда ЕХХТ Парламент Ассамблеяси президенти ва бош қотибидан иборат нуфузли делегациясини юборди. Европа Парламенти делегацияси

эса Ўзбекистонда сайловни кузатишда биринчи марта иштирок этди.

ЕХХТ ДИИХБ методологиясига мувофиқ, бюронинг сайловни кузатиши натижалари бўйича фаолияти бевосита сайловдан кейинги даврда амалга оширилади. Бу борада сайловдан кейинги ўзаро ҳамкорлик учта асосий йўналиш, яъни ДИИХБ якуний ҳисоботини эълон қилиш ва уни тақдим этиш ҳамда таклиф қилинган тавсиялар асосида кейинги ишларни давом эттиришни қамраб олади.

Жорий йилнинг 22 апрелида ЕХХТ ДИИХБ ўз расмий сайтида 2021 йили бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ДИИХБ сайловларни кузатиш бўйича миссиясининг якуний ҳисоботини эълон қилди.

▶ Давами 2-бетда

САЛОМАТЛИК САРИ

ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУҲФА

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Паркент туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Заркент” санаторийси фойдаланишга топширилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидаги 23 та санаторий ва битта дам олиш уйи халқимиз соғлиғини мустаҳкамлаш билан бирга, маънавий дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши йўлида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. Шундай санаторийлар сони яна биттага кўпайди.

▶ Давами 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИСҲОҚХОН ИБРАТ НОМИДАГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Куйидагилар:

Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институти фаолиятини ташкил этиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтини **2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли курсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтида ташкил этилаётган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Институтуда ўқув жараёни **2022/2023 ўқув йилидан** бошланади;

б) Институтуда қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;

в) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** Институтнинг бакалаврият таълим йўналишларига кириш имтиҳонларида фанлар мажмуасидаги **чет тили фанидан 4 та кўникмани** (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) баҳолашга қаратилган касбий (ижодий) имтиҳон ўтказилади. Бунда: чет тили фанидан касбий (ижодий) имтиҳон Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади;

чет тили бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан ўқишга кириш синовларида касбий (ижодий) имтиҳонсиз максимал бапп берилади;

г) Институтуда талабаларга иккита хорижий тил бўйича квалификация бериш амалиёти йўлга қўйилади;

д) Институтнинг хорижий тилда мутахассислик фанларидан дарс берадиган C1 даражадан кам бўлмаган миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга ўқитувчиларига уларнинг базавий лавозим маошига нисбатан **ҳар ойлик 50 фоиз миқдорда қўшимча устама ҳақи тўлаб борилади**.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов):

а) **2022 йил 1 августга** қадар Институтни танлов асосида амалий тажриба ва (ёки) илмий даражага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) **2023/2024 ўқув йилидан** бошлаб Институтнинг хорижий тиллар ўқитувчилари **C1 даражадан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини таъминласин;

в) **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб: Институтнинг ўқув жараёнига тил эгаси бўлган малакали хорижий мутахассислар жалб қилинишини ташкиллаштирсин. Бунда, хорижий мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи Институт томонидан бозор конъюнктураси асосида белгиланади ҳамда Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан тўланади;

Институтнинг **мутахассислик фанлари (хорижий тилдан ташқари) ўқитувчиларининг B2 даражадан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини таъминласин;

г) Институт талабаларининг **ўқув ва илмий амалиётларини хорижий давлатларда** ташкил этишга қўмаклашсин.

6. Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги (С.Обидов) қуйидаги йўналишларда Институтга қўмаклашсин:

хорижлик экспертларни жалб этган ҳолда Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари учун малака ошириш, жумладан, бадий ва синхрон таржима қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича курсларни ташкил қилишда;

Институт профессор-ўқитувчиларида замонавий ўқитиш кўникмаларини шакллантиришда ва уларни чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича имтиҳонларга тайёрлашда;

Институтнинг бўш аудиторияларида хорижий тилларни ўқитиш курсларини ташкил этиш орқали талабаларга қўшимча даромад топишлари учун зарур шартот яратишда;

аҳоли ва таълим муассасалари учун чет тилларини ўрганишда қўмак берувчи контентларни шартнома асосида яратишда.

7. Институт Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги **Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактабининг** (кейинги ўринларда — Ижод мактаби) **таълим ҳамкори** этиб белгилансин.

Институт зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

2023 йил 1 январга қадар Институтда Ижод мактаби ўқувчилари учун **“Таржимонлар клуби”**-ни ташкил этиш;

Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва иқтдорли талабаларини Ижод мактабининг таълим жараёнига кенг жалб қилиш;

Ижод мактаби учун малакали ва чет тилларни мукаммал эгаллаган кадрларни тайёрлаш;

Ижод мактаби ўқув жараёнига Институтга стажировка ўташга жалб қилиш;

Ижод мактаби ўқув жараёнига чет тиллари бўйича замонавий таълим технологиялари, илгор ва инновацион тажрибаларни жорий этиш;

Ижод мактабини чет тилларидаги ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда электрон ўқув ресурслари билан таъминлаш.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг: Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, “Янгиобод” МФЙ, Саодат кўчаси, 28-ўй манзилида жойлашган **бино ва иншоотларини** тегишли ҳудуди билан биргаликда **Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш**;

Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Тўрақўрғон кўчаси, 22-ўй манзилида жойлашган Наманган давлат университети тизимидаги **“Исҳоқхон Ибрат — Қатагон қўрбонлари хотираси” музейини** Институт тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

9. Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков):

2023 йил 1 январга қадар Институтга **1 000 ўринли янги ўқув биноси ва 400 ўринли талабалар турар жойини** қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан зарур ер участкаси ажратилишини таъминласин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) билан биргаликда Институт талабаларининг амалиётини ҳудуддаги корхоналар, туризм ва маданий мерос объектлари, таълим ва бошқа ташкилотларда ўтказиш ҳамда юқори курс талабаларини иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилиш чораларини кўрсин;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Институтнинг ахборот-ресурс базасини **хорижий ўқув, бадий ва илмий адабиётлар билан бойитиб боришга қўмаклашсин**;

олис ҳудудлардан ва хорижий мамлакатлардан

дан келиб дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни иш даври давомида уй-жой билан таъминлаш мақсадида Институтга яқин ҳудудда жойлашган **кўп қаватли уй-жойлардан хизмат уйларини Институтга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин**.

10. Институтга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бошқа ҳудудлардан жалб этилган профессор-ўқитувчилар учун қўлай шарт-шароит яратиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусан, **уй-жой ижараси учун тўловни компенсация қилишга рухсат этилсин**.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан:

Институтнинг Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан ажратиладиган ер майдонида 1 000 ўринли ўқув биносини қуриш ва жиҳозлаш;

Институтга берилаётган Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, “Янгиобод” МФЙ, Саодат кўчаси, 28-ўй манзилида жойлашган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **2025 йил 1 январга** қадар Институтнинг 400 ўринли талабалар турар жойини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини таъминласин.

12. Белгилаб қўйилсинки:

Институт фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро грантлар, хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилик хайриялари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Институтнинг дастлабки фаолиятини йўлга қўйишда унга ажратилган бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш (мебель, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ва бошқа моддий-техника воситаларини харид қилиш, интернет тармоғига улаш) ишлари Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушда амалга оширилади;

маскур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2023 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

13. Инновацион ривожланиш вазирлиги филология фанлари тармоғининг тегишли ихтисосликлари бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, 2023 йилдан бошлаб Институтга докторантура бўйича қабул квоталари ажратилишини таъминласин.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Маскур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулов ҳамда Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш.Абдуразаков белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 9 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ҲИСОБОТ ВА ТАҲЛИЛ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БИРЛАМЧИ АСОСИ



Гулноза РАҲИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг
доимий асосда ишловчи
аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Якуний ҳисобот тақдироти тавсияларни амалга ошириш бўйича кейинги ишларда иштирокчи давлатларга кузатувдан қўмаклашишга ўтишининг самарали механизми ҳисобланади.

Якуний ҳисоботни иштирокчи давлатга юбориш орқали ДИИХБ ўз ҳисоботини жойида тақдим этиш ва тавсияларини муҳокама қилиш учун ушбу мамлакатта ташриф буюришга тайёралигини билдиради.

Одатда якуний ҳисоботни тақдим этувчи бюро делегациясига сайловни кузатиш бўйича тегишли миссия раҳбари, раҳбарият аъзоси ёки ДИИХБ директори бошчилик қилади. Мамлакатта бундай ташриф сайлов тугаганидан кейин 3-9 ой ўтгач амалга оширилади.

Ташриф давомида якуний ҳисобот қатор масъул шахсларга расман тақдим этилиб, унда келтирилган ҳулоса ва тавсиялар муҳокама қилинади. Икки томонлама, парламентарий учрашувлар, брифинглар, давра суҳбатлари ўтказилиши ҳам мумкин.

Бундай ташрифлар расмийлар билан самарали мулоқот, айрим масалаларга ойдинлик киритиш ва ДИИХБ тавсиялари бўйича ҳамкорликда бажарилиши мумкин бўлган чора-тадбирларни муҳокама қилиш имконини беради.

Сайловнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари бўйича миллий қонунчиликка оид шарҳлар ва эксперт ҳулосаларини тай-

ёрлаш, экспертлар учрашувлари ва давра суҳбатларини ташкил этиш, техник маслаҳатлар бериш ҳам шулар жумласидандир.

Тақомил ва тараққиёт

Якуний ҳисобот сайлов соҳасида ЕХХТ ДИИХБ билан мулоқот ва самарали ҳамкорликни давом эттириш учун муҳим асосдир.

Чунки ҳисоботнинг асосий қисмларидан бири — бўлажак сайловларни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва амалиётини тақомиллаштиришга қаратилган тавсиялар. Улар сайловни ташкил этиш учун масъул органлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ва бошқа манфаатдор идоралар томонидан қўриб чиқилиши учун мўлжалланган.

Одатда тавсиялар ЕХХТ мажбуриятлари ва бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда қандай ўзгаришлар киритиш мумкинлиги бўйича таклифларни ўз ичига олади. Улардан баъзилари амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритишга, бошқалари сайлов ўтказиш амалиётини янада тақомиллаштиришга қаратилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ДИИХБ билан сайлов жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бюро миссияси 1999 йилдан бўён мамлакатимизда ўтказилган Президент ва парламент сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда сайловларни мамлакатимиз сайловлар соҳасида олган мажбуриятлар, умумэтироф этилган тамойиллар ва энг илгор амалиёт асосида адолатли, ҳалол ва шафқат ўтказишга хизмат қилмоқда.

Самарали ҳамкорлик борасида миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэтироф этилган халқаро демократик сайлов стандартларига уйғунлаштириш орқали фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини янада кенроқ ва тўлароқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг ҳар бир сайлов натижалари бўйича якуний ҳисоботида ўз аксини топган тавсияларнинг мақбуллари Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва амалиётига имплементация қилиниб, сайловга оид миллий ҳуқуқий база тақомиллаштирилмоқда.

Утган вақт мобайнида Ўзбекистон ДИИХБ сайловларни кузатиш бўйича миссиясининг қатор тавсияларини амал-

га оширди. 2018-2019 йилларда сайловга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлар тизимлаштирилиб, ягона Сайлов кодексида бирлаштирилгани, сайлов жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари тобора кенг жорий этилгани каби қўллаб ўзгаришлар бунинг ёрқин далилидир.

Марказий сайлов комиссияси мувофиқлаштирувида ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида сайлов қонунчилиги ва амалиётини миссиянинг 2019 йилги парламент сайлови бўйича якуний ҳисоботи асосида янада тақомиллаштириш юзасидан изчил ишлар олиб борилди.

Бу якуний ҳисоботда ЕХХТ ДИИХБ Ўзбекистонга сайлов жараёнини тақомиллаштиришда ёрдам кўрсатишга тайёралигини изҳор этиб, ўттиз иккита тавсияни тақдим этганди.

Миссиянинг якуний ҳисоботидаги тавсияларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги ва амалиётида қўллаш учун мақбул тавсияларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш учун бир қатор ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиси 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида 2021 йилда бўлиб ўтадиган Президент сайлови муносабати билан Марказий сайлов комиссиясига бўлажак сайловни миллий қонунчилик ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида юқори даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шу билан бирга, Мурожаатномада сўнгги сайловда халқаро кузатувчиларнинг мақбул тавсияларини миллий қонунчилик ва амалиётга таътиб этиш бўйича ишларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди. Маскур устувор вазифалар 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастурида батафсил ифодасини топди.

Бу борада 2021 йил мобайнида миллий сайлов қонунчилигини халқаро сайлов стандартларига янада уйғунлаштириш, миссиянинг якуний ҳисоботидаги тавсияларни амалга ошириш ва амалиётга жорий этиш борасида сайлов қонунчилигини тақомиллаштиришга оид иккита муҳим қонун қабул қилинди.

2021 йил 8 февралда қабул қилинган “Сайлов қонунчилиги тақомиллаштиришнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Ўзбекистон Конституциясига, “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил

етилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонунга, “Сийсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунга ҳамда Сайлов кодексига қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

2021 йил 31 май куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Сайлов кодексининг ўн битта моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, бюронинг якуний ҳисоботида баён этилган тавсияларнинг ижросига бевосита дахлдор бўлган бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингани ҳам қайд этиш зарур. Жумладан, 2020 йил 15 октябрда “Ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва 2021 йилнинг январь ойидан кучга кирди.

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун 2020 йилнинг 15 декабрда қабул қилинди. Унда тухмат ва ҳақорат қилишга оид жиноий жазони либераллаштириш назарда тутилган, озолиқдан маҳрум этиш жазоси бекор қилинди.

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун 2021 йилнинг 7 июнь куни қабул қилинди.

Бюро тавсиялари ижросининг лозим даражада бажарилишида Президент сайловидага тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Маскур низоми ва йўриқномаларда якуний ҳисоботдаги бир қатор муҳим тавсиялар инобатга олинган.

Шундай қилиб, ЕХХТ ДИИХБнинг парламент сайлови бўйича якуний ҳисоботида қайд этилган 32 тавсиясидан 21 таси қабул қилинди.

Тизимли ишлар самараси

Давлатимиз раҳбари имзолаган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармон ва “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурида сайлов қонунчилиги ва амалиётини янада тақомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган. Булар Сайловчилар ягона электрон рўйхати ва Сайлов жараёнла-

рини бошқариш ахборот тизимини тақомиллаштириш ҳамда миллий сайлов тизимининг нуфузини янада оширишдан иборат.

Марказий сайлов комиссиясида айни пайтда Ички ишлар вазирлиги, Кадастр агентлиги, Давлат персоналлаштириш маркази ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар вакилларидан, шунингдек, МСКнинг хорижий сайлов органлари фаолиятини ташкил этиш амалиётини ўргатувчи ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар фаолият юритмоқда. Бундай тизимли ишлар самарасида сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш бўйича таклифлар ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Шу тариха, утган сайлов кампаниялари ва уларга ДИИХБнинг сайловларни кузатиш бўйича миссиялари, бошқа халқаро ҳамда хорижий экспертлар томонидан берилган баҳолар Ўзбекистонда миллий демократик сайлов тизими шаклланиши ва ривожланишига сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Натижада ҳар бир сайлов кампаниясига берилган эътирофларда мамлакатимизда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш борасида муайян муваффақиятлар қайд этилмоқда.

Хусусан, ЕХХТ ДИИХБнинг 2021 йилги сайлов бўйича якуний ҳисоботида сайлов Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда “Янги Ўзбекистон” шиори остида амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида утгани алоҳида қайд этилган.

Эътироф этилгани, Ўзбекистон сўнгги йилларда сайловга тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш жараёнида салмоқли ютуқларни қўлга киритган, сайлов қонунчилигида туб ислохотларга эришган. Бу ЕХХТ ДИИХБ томонидан таклиф этилган тавсияларни имплементация қилишга йўл очган.

Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловидага тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш борасидаги фаолиятига юксак баҳо берилган. COVID-19 билан боғлиқ муаммоларга қарамай, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини юксак ташкилий даражада, сифатли ва қонунчиликда белгиланган муддатларда самарали ташкил этгани таъкидланган.

Сайлов кампаниясининг очик ва ошқора ўтказилганига, имконияти чекланган шахслар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасидаги чора-тадбирларга ҳам ижобий баҳо берилган.

Сайловчилар фаоллигини ошириш бўйича кампания тўққиз тилда олиб бориш, шунингдек, сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси қарор-

ларига дахлдор барча материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида эълон қилиб боришгани, бундан ташқари, интернетда қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида тарқатилгани ва бошқа бир қатор ҳолатлар қайд этилди.

Якуний ҳисоботда сайлов жараёнилари билан боғлиқ айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган. Марказий сайлов комиссияси фикрича, улар қонунчилик томонидан тартибга солиш амалиётининг ўзига хос жиҳатлари, ҳудудий, миллий ва маданий шарт-шароитларни ҳисобга олганда, камчилик бўлмаслиги ҳам мумкин.

ЕХХТ ДИИХБ сайлов жараёниларини янада тақомиллаштиришда Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлини билдириб, якуний ҳисоботида йигирма тўртта тавсияни таклиф этган.

Шу муносабат билан якуний ҳисоботни батафсил таҳлил қилиш, унда келтирилган тавсияларни ўрганиш ҳамда уларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун идоралардан ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу ишчи гуруҳга сайлов жараёнининг барча иштирокчилари, экспертлар ва мутахассислар, сиёсий партиялар вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари, опимлар ва амалиётчилар жалб этилди.

Якуний ҳужжатни ўрганишга БМТнинг Тараққиёт дастури, Сайлов тизимлари халқаро фонди, ЕХХТнинг Лойиҳалар бўйича координатори каби халқаро ташкилотлардан экспертлар жалб қилинган бўлиб, улар маскур ҳисоботни БМТ, ЕХХТ универсал ҳужжатлари ва демократик ҳамда эркин сайловлар стандартларини белгилловчи халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳужжатлари билан қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, халқаро амалиёт билан таққослаштиришда ёрдам бермоқда.

Тавсиялар ЕХХТ ДИИХБдан ташриф буюрадиган делегация билан ҳамкорликда ҳар томонлама қўриб чиқилди. Натижаси бўйича Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш, сайлов амалиёти самарадорлигини ошириш, хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган берилган устувор вазифаларни бажариш доирасида таклифлар ишлаб чиқилди.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ЕХХТ ДИИХБ тавсияларини бажариш борасида зарур имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича қўллаб ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз демократик тараққиёт учун халқаро стандартларга жавоб берадиган сайлов соҳасидаги илгор тажрибаларни таътиб этишга хизмат қилади.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ — МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛ



Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
сиёсий фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Масалан, конституциявий ривожланиш борасида катта йўлни босиб ўтган Францияда 1789 йил, яъни Буюк француз инқилобидан сўнг то шу пайтга қадар 20 мартадан зиёд Конституция қабул қилинган. Мамлакатда энг сўнгги Конституция 1958 йилда қабул қилинган бўлиб, унга ҳам ўтган салкам 65 йил мобайнида тадрижий равишда қўллаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Дунё мамлакатларидаги ушбу конституциявий ўзгаришлар, энг аввало, шиддат билан янгиланаётган ҳозирги замон талаб ва чақириқлари, хусусан, давлат ва жамиятни модернизация қилиш ёҳуд сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий инқирозларга йўл қўймаслик, экология ва атроф-муҳит муаммолари, “яшил” тараққиёт, ахборотлашган жамият ва электрон ҳукуматни шакллантириш, рақамли иқтисодиётни барпо этиш, илмий-технологик ва инновацион ривожланиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, айниқса, келажак авлод ҳуқуқларини таъминлаш каби масалалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар киритишни ҳам даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, конституциявий ислохотлар истиқболдаги тараққиётимизнинг зарурий шарти бўлиб, мамлакат модернизациясини чуқурлаштириш ва миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ ўта муҳим вазифалар уни объектив заруратга айлантирмоқда.

Конституциямизга киритиш таклиф этилаётган ўзгаришлардан бири “ижти-

мой давлат” принципини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаш масаласидир. Шундай экан, аввало, ижтимоий давлатнинг ўзи нима, унинг қандай белгилари бор ва функциялари нималардан иборат, нима учун ушбу тамойилни мамлакат Конституциясига муҳрлаб қўйиш зарур, бу борада хорижий тажриба нима дейди, қаби ҳақли саволлар туғилиши табиий.

Ижтимоий давлат давлатнинг шундай моделики, унда ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, жамиятдаги ижтимоий тафовутларни юмшатиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам бериш сиёсати юритилади.

Мухтасар айтганда, давлат ўз фуқароларига ғамхўрлик қилишга масъулият билан ёндашиши шарт. Зеро, ижтимоий давлат — бозор иқтисодиёти шароитида ўз фуқароларига муайян даражада фаровонлики кафолатлайдиган давлат. Бундай давлатда жамиятнинг ҳар бир эҳтиёжманд аъзосини ҳеч қандай истисносиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими қарор топади, давлат фуқаролар фаровонлигини муайян даражаси учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

“КОНСТИТУЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШ БОРАСИДА КАТТА ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТГАН ФРАНЦИЯДА 1789 ЙИЛ, ЯЪНИ БУЮК ФРАНЦУЗ ИНҚИЛОБИДАН СЎНГ ТО ШУ ПАЙТГА ҚАДАР 20 МАРТАДАН ЗИЁД КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. МАМЛАКАТДА ЭНГ СЎНГГИ КОНСТИТУЦИЯ 1958 ЙИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БЎЛИБ, УНГА ҲАМ ЎТГАН САЛКАМ 65 ЙИЛ МОБАЙНИДА ТАДРИЖИЙ РАВИШДА ҚЎЛЛАБ ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАН.

Халқаро сиёсий ва ҳуқуқий тизимларда ижтимоий давлат икки хил, яъни билвосита ва бевосита кўринишда ўз ифодасини топганини кўриш мумкин. Билвосита кўринишда “фаровонлики таъминловчи давлат” ёки “умумфаровонлик ва хушрамлики таъминловчи давлат” каби тушунчалар орқали ижтимоий давлат тамойили Буюк Британия Конституциявий актларида, Италия Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бевосита кўринишда эса “ижтимоий давлат” тушунчаси 1949 йилги Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Германия “демократик ва ижтимоий федерал давлат” деб эълон қилинган. Шунингдек, Франциянинг 1958 йилги Конституциясида “бўлинмас, дунёвий, ижтимоий, демократик республика”, Испаниянинг 1978 йилги Конституциясида эса “ҳуқуқий, демократик, ижтимоий давлат” тамойили ўз ифодасини топган.

Гарчи “ижтимоий давлат” тушунчаси шу пайтга қадар Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясида ўз аҳкини топмаган бўлса-да, ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган халқчил ва инсонпарвар сиёсат мазмун-моҳияти ана шу тамойилга тўлиқ мос келади. Зеро, мамлакатимиздаги барча ислохотлар замирида ҳазрати инсон омили ётади.

Чунончи, ҳозир Ўзбекистон давлат бюджетининг қарийб 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Қолаверса, “Давлат инсонга хизмат қилиши керак”, “Инсон қаҳри ҳамма нарсадан устун”, “Одамларнинг розилигини таъминлаш — ҳар бир давлат хизматчисининг бурчи” каби асосли ғоялар замирида ҳам ана шу дастуруламал тамойил ётганини кўрамыз.

Бугун Ўзбекистонда “Темир дастар”, “Аёллар дастари” ва “Ёшлар дастари” каби ижтимоий ҳимоянинг дунёда муқобили йўқ, бекиёс кафолатли тизими яратилгани, пировардида, эҳтиёжманд, кам таъминланган ва кўмакка муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёшлар турмуш тарзида туб ўзгаришлар бўлаётганига барчамиз гувоҳимиз. Бу давлатимизнинг ўз фуқаролари ҳаёти, бугуни ва эртаси учун бефарқ эмаслигининг ана бир ёрқин ифодаси, десак асло муҳолафа бўлмайди.

Шу боис, “ижтимоий давлат” тамойилини янгиланадиган Бош қонунида муҳрлаб қўйиш ҳақидаги таклиф мантиқан тўғри бўлиб, у, бир томондан, илгор мамлакатларнинг конституциявий тажрибаларига, иккинчи томондан эса ҳозирги кунда давлатимиз юридаётган ижтимоий йўналтирилган, халқчил ва инсонпарвар сиёсатга тўлиқ мос келади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ — БУГУНГИ ДАВР МАҚСАДИ

Конституциямизнинг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шундай экан, ижтимоий давлат инсон қаҳри билан чамбарчас боғлиқдир.



Насимбек АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
академияси доценти

Бугунги кунда мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётини белгилаб бевуви аҳолининг ҳаёт сифати ва инсон тараққиёти даражаси алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли, соғлиқни сақлаш, таълим, умр кўриш давомийлиги, меҳнат учун муносиб иш ҳақи каби фаровон ҳаётнинг асосий кўрсаткичлари жамият барқарор ривожланиши омили бўлиб, улар нафақат фуқароларнинг шахсий, балки жамият манфаатлари ҳам саналади. Зеро, ижтимоий давлат халқ фаровонлигини ошириш сиёсатини илгари суради. Шу боис, бундай давлат ҳуқуқий ва демократик тамойиллар асосида қурилади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, Германия, Франция, Испания, Руминия, Словения ва бошқа қатор давлатлар конституцияларида ўзларини “ижтимоий давлат” сифатида қайд этган. Ижтимоий давлат масалалари фанлараро хусусиятга эга. Масалан, меҳнат ҳуқуқининг кўп жиҳатлари, хусусан, ижтимоий шериклик, касба уюшмалари, иш ҳақи, бандлик масалалари ижтимоий давлат функциялари билан чамбарчас боғлиқ.

Юридагиларга асосан, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

— Конституциямизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат”, деган қатъий нормани белгилаб қўйишимиз, шунингдек, ижтимоий давлат билан боғлиқ асосий



масалалар — уй-жой, тиббиёт, таълим, кучли ижтимоий сиёсатга оид нормаларни янада ривожлантиришимиз зарур;

— ҳар бир фуқаронинг ҳалол меҳнат билан топган пули нафақат ўзи учун, балки оила аъзолари, хусусан, вояга етмаган болалари учун ҳам етиши керак. Шу боис, ижтимоий давлат ишсизликни ҳамда камбағаллиқни тугатиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш масаласини Асосий қонунимизда қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Бу каби қоидалар Конституциямизда акс эттирилиши орқали келгусида давлатнинг асосий вазифаси сифатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари янада таъминланишига эришилади. Чунки шахс моддий жиҳатдан муносиб даражада таъминланиши воситаларига эга бўлмаса, унинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлардан самарали фойдаланишида қийинлик вужудга келиши мумкин.



Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

30 йил олдин қабул қилинган ва шу кунга қадар бир неча бор ўзгаришлар киритилган Конституция бугунги “инсон — жамият — давлат” тамойили талабларига жавоб бермай қолди. Узоқ муҳокамалар ва кузатишлар натижасида Конституцияни халқимиздан келган таклифлар асосида ўзгариш зарур, деган тўхтамага келинди.

Конституция моддалари учун таклиф киритиш каби имконият берилган экан, ҳар биримиз бунни ҳам шараф, ҳам бурч деб билган ҳолда масъулият билан ёндашишимиз лозим. Мен ҳам конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларимни билдирмоқчиман.

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти учун ижтимоий ҳимоя, адолат ва тенглик тушунчалари қанчалар муҳим бўлса, тинчлик ва хавфсизлик масалалари ҳам шунчалик долзарбдир. Шу сабабли Конституциямиз моддаларида ҳам ушбу

ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ УЧУН ДАВЛАТ БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ ЗАРУР



Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий демократик ислохотлар кечмоқда. Мамлакатимиздаги барча даражадаги ҳокимият идоралари фаолиятида “Инсон қаҳри учун” деган устувор тамойил бош мезонга айланди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам бу борада муҳим вазифалар белгиланган. Бу жараёнда камбағаллиқни бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Яқин ўтмишда мамлакатимизда камбағал аҳоли қатлами мавжуд бўлса-да, узоқ вақт бу мавзу тилга олинмай келинди. 2020 йил февралдан бошлаб илк бор Ўзбекистон аҳолисининг камбағал қатлами ҳақида юқори минбарлардан туриб сўзлан-

ди, аҳолининг неча фоизи камбағал экани очикланди.

Муаммонинг очик тан олиниши ушбу масалани ҳал этишга қўйладиган қадамнинг энг муҳими ва биринчиси бўлди. Бугунги кунда давлат бюджетининг қарийб 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилиб, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолини давлат томонидан ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таг замирида одамларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, инсон қаҳрини улуғлашдек зғу мақсадлар муржаасан.

Эндиликда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағаллиқни қисқартириш, аҳолининг янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминланиши масаласини Бош қонунимизда акс эттириш вақти келди. Конституциямизда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлашда давлат мажбуриятини аниқ белгилаш, қолаверса, ишсизлик ва камбағаллиқни тугатиш учун давлат ўзининг барча имкониятларидан фойдаланиши мустаҳкамланиши лозим.

Ишончим комилки, янгиланадиган Конституциямизда акс этадиган ана шундай ҳуқуқий асослар инсон қадр-қимматини юксалтиришга, халқимизнинг эртанги кунга ишонч билан яшашига хизмат қилади.

ФУНДАМЕНТАЛ ҲУҚУҚЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Конституциянинг бирламчи вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш ва кафолатлашдан иборат. Конституцияларда инсоннинг юздан ортиқ турли ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланганини кузатиш мумкин. Жумладан, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.



Ихтиёр БЕКОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлар доктори

Инсоннинг Конституция билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари энг муҳим ҳуқуқлар жумласига қиради. Бу Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади ва фуқароларнинг бошқа кўпгина ҳуқуқларини олдиндан белгилаб беради.

Мамлакатимиз Асосий қонунининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган тегишли моддаларидан инсоннинг асосий ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Тарихда илк бор 1789 йили Францияда қабул қилинган “Инсон ва фуқаро

ҳуқуқлари декларацияси”да ҳар қайси давлат уюшмасининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдан иборат, деб қайд этилган бўлса, БМТ Низомида барча инсонлар эркин ва инсоний қадр-қиммат ва асосий, табиий ҳуқуқларда тенг туғилиши мустаҳкамланган.

Хорижий мамлакатлар конституцияларига назар ташлайдиган бўлсак, инсоннинг табиий ҳуқуқлари унинг ажралмас ҳуқуқи экани Конституция даражасида мустаҳкамланган. Масалан, Германия, Венгрия ва Чехия конституцияларининг 1-моддаси, Ирландия Конституциясининг 43-моддасида инсоннинг табиий ҳуқуқлари ажралмас экани белгиланган.

Юридагилардан келиб чиқиб, Конституциямизга “Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан тегишли эканлигини конституциявий мустаҳкамлаш” мазмундаги қоида киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, асосий ҳуқуқлар конституциявий тузум, бошқа шахсларнинг соғлиғи, ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат мудофааси ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган даражада чекланиши мумкинлиги белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Бу инсоннинг фундаментал ҳуқуқларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш ва кафолатлашга хизмат қилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

КУН МАВЗУСИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ
ДА НАРХ-НАВО
барқарорлиги доимий эътибордаФарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги таровидир. Мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошяпти. Шунинг учун аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш, нархлар барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда табиатга бефарқ муносабат, иқлим ўзгариши, ер унумдорлиги пасайиши, шўрланиш, сув етишмаслиги каби турли сабаблар туфайли дунёда озиқ-овқат тақчиллиги кузатиламоқда. Бу эса нархлар ўсишига олиб келяпти. Жумладан, жажонда бўғдой, ўсимлик ёғи, шакар каби маҳсулотлар нархи ошди. Айрим давлатларда бу маҳсулотлар экспортига чекловлар киритилмоқда. БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастури раҳбари Дэвид Бислининг таъкидлашича, дунёдаги бугунги вазият туфайли 323 миллион одамга очлик хавф солиши мумкин.

Мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотидан ортиқча таъминлашга асос йўқ. Зеро, аҳоли эҳтиёжи учун зарур барча озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизда ишлаб чиқарилиб, захираси яратилляпти.

Жиззахда жорий йилда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 273,3 минг гектар асосий, 60,7 минг гектар такоррий, 7,2 минг гектар боғ ва тоқорларни қатор орасига, 181,2 минг гектар лалмикор майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилди.

Пахта ва ғалладан қисқарган паст рентабелли ерлар деҳқон хўжаликлари учун ажратилиб, улар томонидан ушбу майдонларга 575 гектар сабзавот, 41 гектар картошка, 1988 гектар дуклаки, 96 гектар мойли, 808 гектар полиз, 2741 гектар озуқабол экинлар экилди ҳамда 38 гектар узумзор барпо этилди.

Вилоятда асосий ва такоррий экин майдонларида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобидан куз ва баҳор ойлари учун 32,6 минг тонна маҳсулот захираси яратилди.

Жорий йилда 131,8 минг тонна гўшт, 676,4 минг тонна сут, 442,1 миллион дона тухум,

55 минг тонна балиқ, 12,8 минг тонна парранда гўшти, 98,2 минг тонна сабзи, 176,9 минг тонна картошка, 82,3 минг тонна пиёз, 2,4 минг тонна гуруч етиштирилиб, 363,1 минг тонна ун ва 19,4 минг тонна усимлик мойи ишлаб чиқариш белгиланган. Ушбу маҳсулотларнинг барчаси вилоят аҳолисининг эҳтиёжидан ортади.

— Ҳисоб-китобимизга кўра, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан фақат 11,3 минг тонна гуруч, 15,8 тонна шакар ва 8,6 минг тонна парранда гўшти етишмайди. Ушбу маҳсулотлар ташқи ва ички импорт ҳисобидан тўлдирилади, — дейди Жиззах вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиги ўринбосари Илҳом Турғунбоев.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий эътибор ун ва ун маҳсулотларига қаратилади. Мамлакатимизда 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан бозор нархларида сотиб олиш ва сотиш тартиби жорий этилди. Бу дегани, энди бўғдой, ун ва нонга давлат томонидан нарх белгиланмайди. Ушбу маҳсулотлар биржа орқали сотилади, бу ўз навбатида, ноннинг ҳам нархига таъсир қилди.

Ушбу, бунга нима сабаб бўлди? Аввало, қайд этиш жоизки, шу вақтгача ғалланинг давлат харид нархи пастлиги сабаб барча ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари зарар кўриш эҳтимоли. Моддий рағбат бўлмагач, ўз-ўзидан ҳосилдорлик ҳам пасайди. Фермер ва дон корхоналари зарарларини қоплаш учун давлат томонидан миллиардлаб сўм ажратилди. Аҳолининг арзон ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида жорий қилинган ушбу тартиб, ўз навбатида, соҳада коррупция авж олишига сабаб бўлди. Яъни ҳар доим ҳам арзон ун аҳоли

ва нон ишлаб чиқарувчиларга етиб бормайди. Мисол учун, 1-навли 1 килограмм маҳаллий уннинг чакана нархи 2 800 сўм бўлишига қарамай, жойларда 5 500 сўмгача сотилган. Уртада кимлардир фойдаланиб келган.

Шу боис, бўғдой, ун ва нон маҳсулотларига давлат томонидан нарх белгилаш, аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналарига арзон нархларда ун беришдан кўра, аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини моддий рағбатлантириш мақсада мувофиқдир.

— Бир неча йил фермер хўжалигини бошқарганман, — деди Дўстлик тумани Мевазор маҳалласида яшовчи нафақахўр Анорбой Қўчқоров. — Пахта ва ғалла етиштириш машаққатини яхши тушунаман. Йил бўйи меҳнат қилиб, роҳатини кўрмасангиз, боз устига, банк ва таъминотчи корхоналардан қарздор бўлсангиз, албатта, алам қилади-да! Деҳқон бой бўлса, халқ бой бўлади, халқ бой бўлса, давлат бой бўлади, деган гап бежиз айтилмаган. Деҳқоннинг қосаси оқарса, қилган меҳнатидан манфаат топса, ерга меҳр бериб ишлайди. Куну тун ҳосилни қўлайтириш илинжида бўлади. Ҳосил кўп бўлса, нархлар барқарор, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги узоқ йиллик тажрибамга таяниб айтиш мумкинки, бугунги дон ислохоти, албатта, ўз самарасини беради. Энг муҳими, ушбу ислохот жорий этилишидан олдин ойлик, нафақа ва пенсиялар ошди. Пенсияонер ва нафақахўрларга бир марталик моддий ёрдам берилди. Давлатимиз томонидан халқимизнинг эҳтиёжманд қатлами мунтазам қўллаб-қувватланмоқда. Шу сабаб ортиқча хавотирланишга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

— Сўнгги кунларда бўғдой ва ун нархи ошди, қолипчи нон бўйича давлат томонидан ўрнатилган мажбурий нарх бекор қилиниши тез-тез муҳокама марказида бўляпти. Мен ҳам оддий истеъмолчи сифатида фикримни билдирмоқчиман, — дейди форишлик Ҳусинбой Алимов. — Аввало, ун нархи ошди, энди нима қиламиз, деган ваҳималарга ўрин йўқ. Қаранг, шу кунгача одам бошига бир ойга 2 килограмм арзон ун бериларди. Бир хонадонда 5 киши яшаса, бу 10 килограмм дегани. Бу биздек серфарзанд оилаларга беш кунга ҳам етмайди. Қолганини бозордан сотиб олардим. Халқимизнинг аксарияти тандирда ёпилган нонни истеъмол қилади. Қолипчи нон нархи ошгани билан тандир ноннинг нархи деярли ўзгаргани йўқ. Ўйлайманки, кам таъминланган аҳоли мудом давлатимиз ҳимоясида бўлгани, улар ҳаммаша қўллаб-қувватланаётгани сабабли уларга нон нархи ошишининг таъсири кам бўлади.

Хулоса шуки, озиқ-овқат хавфсизлиги, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш борасида халқимиз

нинг ортиқча хавотирланишига асос йўқ. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари ҳаммаша бизга далда бўлади: “Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада қафолатланган захирано яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади”.



ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



Акмал ОМОНОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
агентлигининг
Республика
аэрогеодезия маркази
директори

Электрон хариталар энди тасвирларни янада аниқ қўрсатади

Дунёда ҳали ўлчов асбоблари пайдо бўлмаган даврларда ер одимлаб, кейинчалик саржин, пўлат тасмали аънавий метрлар ёрдамида ўлчанган. Аста-секин замонавий қурилмалар пайдо бўлиб, геодезик ўлчовларда электрон тахеометрлар, GPS қурилмалардан фойдаланиш оммалашди. Бугунги кунга келиб эса, топографик ўлчовлар сунъий йўлдош орқали олинган суратлар, дронлар, махсус самолёт, аэрофотокамера сингари энг сўнгги технологиялар ёрдамида амалга ошириляпти.

Бу эса ўлчовнинг юқори аниқлигини таъминлайди. Улар асосида геодезик чизмалар чизилиб, хариталар яратилади. Масалан, “google” хариталаридан деярли ҳар куни фойдаланамиз. Улар нафақат олис сафарга йўл олганимизда, балки бир худуддан иккинчиси ёки яқин орадаги нотаниш манзилга аниқ етиб боришимизда қўл келади. Аммо бу кичик бир мисол, холос. Кенг миқёсда олганда, геодезия ер устидаги барча нарсаларнинг ўлчовини олиб, харитага кириштириш аниқлади. Унинг асосида худудлар, қолаверса, мамлакат харитаси яратилиб, тез-тез янгиланб борилади.

2020 йил 2 июлда қабул қилинган “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги қонунда давлат геодезия, нивелир, гравиметрия, геодезик зичлаштириш тармоқларини яратиш,

КОСМО ВА АЭРОСУРАТЛАР

ривожлантириш ва ишлаш ҳолатида сақлаб туриш белгиланган. Бу борада геодезия ва картография борасида доимий фаолият қўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғини яратиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутаяди.

Ноль нуқтадан асосий координатага

Худудларда ана шундай геодезик ўлчов ва тенглаштириш ишларини олиб бориш мақсадида 2018 йили Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан туман марказларига илк бор 50 та доимий ишловчи глобал навигацион сунъий йўлдош тизими — GNSS станциялар ўрнатилди. Мазкур станциянинг ҳар бири сунъий йўлдош маълумотларини қабул қилиб олиб, 30-40 километр масофагача тарқатади.


Тизимнинг ишлаш принципи юқори орбитал навигацион сунъий йўлдошлар гуруҳи маълумотлари асосида РТК (реал вақт кинематикаси) технологиясидан фойдаланиб, объектниң жойлашган ўрини аниқлашга асосланган. Яъни GNSSлар реал вақт режимида геодезик, топографик ишларни аниқ бажариш имконини беради. Станциялар орқали олинган сунъий йўлдош маълумотларидан иқтисодиёт тармоқлари, ер кадастри, транспорт, логистика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида, барча лойиҳа-қидирув, қурилиш ишларида нукталар координаталарини аниқлаш, топогра-

фик тасвирга олиш ишларини бажаришда фойдаланилади.

Мамлакатимиз шароитида GNSS станцияларнинг геодезик ишлаб чиқаришга жалб қилиниши натижасида нукта координаталарини қисқа муддатда ва юқори аниқликда топиш имконияти пайдо бўлди. Координаталар аниқлиги иқтисодиётнинг барча соҳалари учун зарур. Масалан, давлат координаталар тармоғининг бошланғич нуқтаси Пулково обсерваториясидан олинган. Нукталарнинг абсолют баландлиги Болтиқ баландликлар тизимида аниқланади. Сабаби, баландлик нукталар боши — ноль нуқта ўша ердан олинган. Агар аниқлик тўғри белгиланмаса, йўл паст-баландликдан иборат бўлади. Қурилиш соҳасида ҳам шундай. Объектларни қуришда ҳар бир бурчак аниқ ўлчанмаса, қийиқлик, носозлик, турли нотекисликлар ва ҳатто силжишлар келиб чиқади.

Бурчак ўлчов ишларида даража, дақиқа, сониялардан фойдаланилади. Айтайлик, объектлар жойлашуви 1° (даража) хатоликда ўлчанганда, 1 километр масофада 17 метрдан ортиқ хатолик юзага келади. Шу боис, геодезик тармоқлар, шунингдек, шаҳар геодезик таянч пунктларини қуришда GNSS технологияларидан фойдаланиш ривожланган давлатлар тажрибасида оммалашган. Улар юқоридаги жараёнларда аниқ, тезкор, сифатли ва кенг унумли геодезик асос вазифасини ўтайди.

Доимий ишловчи GNSS станция ҳисобига олдин тўрт мутахассис бажариши керак бўлган ишни бир киши РТК режими



ёрдимида уddaлайди. Яъни ўлчаш қурилмаларини қўлда кўтариб, ер майдонларини айланиб юришга ҳожат қолмайди — исталган миқдордаги қурилмани станцияга улаб қўйиш кифоя. Бунда ишчи кучини кам сарфлаб, иш ҳажмини 40-50 фоиз ошириш мумкин. Геодезик маълумот олишда аънавий усулга нисбатан вақт бир неча баробар тежалди. Қолаверса, GNSS станция ҳисобига худудларда геодезик тадқиқотларни амалга ошириш имконияти ҳам бор.

Сунъий йўлдош орқали олинган GNSS станциялар маълумотлари рақамли равишда тақдим этилади ва уларни картографик ёки географик ахборот тизимларига осонгина экспорт қилиш мумкин. Бундан ташқари, ўлчовларни автоматлаштириш туфайли кузатувчиларнинг хатолари камаёди. Станция маълумотлари ёрдамида кун давомида ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам дунёнинг исталган бурчагидида объектлар координаталарини аниқлаш мумкин. Боиси, GNSS ўлчовининг аниқлиги об-ҳаво шароитларига боғлиқ эмас.

Харитада гугурт қутисини ҳам кўриш мумкин

GNSS станциялар геодезик чизмалар чизиш, хариталар яратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, авваллари турли худудлардаги ер майдони ёки

объектлар ўлчамини аниқлаш учун ўша жойнинг ўзига бориб, махсус асбобларда ўлчов ишлари амалга оширилиб, сўнг харитага туширилиши керак бўлган. Ҳозир эса, GNSS станцияга уланган замонавий қурилмалар ёрдамида олинган ортофотоплан орқали мутахассис жойида ўтирган ҳолда объектниң аниқ ўлчами ва ҳолатини аниқлай олади.

Ўзбекистонда охириги йилларда космосуратлардан энг замонавий усул бўлган аэросуратлар олишга ўтиляпти. Бу янада аниқлигини таъминлайди. Бунгача 2015, 2018 йилларда олинган космосуратлардан фойдаланилар эди. Уларнинг аниқлиги нисбатан камроқ бўлиб, олинган тасвирлар харитада яқинлаштирилгани сари хиралашиб боради ва йўқолиб кетади. Аэросуратлар тасвирларини эса қанча яқинлаштира ҳам расм тиниқлигини йўқотмайди.

Ҳозир юртимизда энг замонавий “Leica DMC III” русумидаги камералар ёрдамида 96 минг 592 квадрат километр худуд аэросуратлари олинди ва 69 минг 318 квадрат километр майдондаги худудлар учун ортофотопланлар тайёрланди. Бунда камера самолётга ўрнатилиб, белгиланган ер майдонлари, объектлар аэротасвирга олинади. Ушбу камералар космосуратлардан фарқи ўлароқ, ердаги 5 сантиметргача бўлган нарсани ҳам аниқ кўрсатиб беради. Масалан, аэротасвир туширилган электрон харитада ҳатто ердаги гугурт қутисини ҳам кўриш мумкин.

Яқинда аэросуратлар олишда фойдаланиш учун Италияда ишлаб чиқарилган “Тесам П2006Т” русумли самолёт олиб келинди. Энг сўнгги русумдаги мазкур самолётдан фойдалана бошланса, Ўзбекистоннинг турли масштабдаги хариталарини тез-тез янгиланб туриш имконияти юзага келади.

Авваллари Ўзбекистон худудлари харитасини электрон кўришининг ҳам имкони йўқ эди. Юртимизда электрон хариталарни яратиш ишлари 2006 йилдан бошланган. Ҳозирги кунда юртимиз харитасини тўлиқ электрон шаклда кўриш мумкин. Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган очиклик сиёсати туфайли ҳатто давлат координата тизими ёпиқ ҳолатдан очик тизимга, яъни жаҳон геодезик тармоғига ўтказилляпти. У энди оммага очик тақдим этилади.

Яна 80 та станция

Ўзбекистон географияси нафақат аҳоли пунктлари, балки қўл ва тоғли худудлардан иборат. У ерларда ҳам иқтисодиёт ривожланиб, катта заводлар, йўллар қуриляпти. Мазкур худудларда ҳам геодезик тасвирларни олиш, аниқлигини таъминлаш зарур. Шу мақсадда GNSS станциялар сонини яна 80 тага қўлайтириб, 2022-2023 йилларда уларнинг умумий сонини 130 тага етказиш режаланган. Ҳозир янаи станцияларни лойиҳалаштириш ишлари олиб бориляпти.

Худудларда ишлаб турган станциялар бир нуқтага уланган бўлиб, Республика аэрогеодезия марказидаги GNSS станциялар тармоғини бошқарувчи назорат марказида онлайн тарзда кузатиб борилади. Интернет тармоғи ва алоқа каналлари шакллантирилиб, станциялар тармоғи марказга боғланди ва маълумотларни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Станцияларни марказий бошқариш ва назорат қилиш “Spider” дастури пакет ёрдамида амалга оширилади.

GNSS станциялар сони 130 тага етказилгач, юртимизнинг барча худудлари қамраб олинади. Бу исталган худуднинг геодезик ишларини амалга ошириш, хариталарни яратиш ёки янгиланб, марказда ўтирган ҳолда координаталарини аниқлаш имконини беради. Турли соҳаларда тезкор ва аниқ ўлчамларни олишга хизмат қилади.





МУМТОЗ МУСИҚАМИЗ ФИДОЙИСИГА ЭҲТИРОМ

Бошланиши 1-бетда

Тантанали кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов мукофотни устоз санъаткорга топширди.

Абдуҳошим Исмоилов Фарғона вилоятининг Кува туманида таваллуд топди. У кўп йиллар давомида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси қошидаги “Мақом” ансамблида созанда, мусиқа раҳбари, бадий раҳбар каби вазифаларда самарали фаолият кўрсатди.

Хозирда Юнус Ражабий номидagi “Мақом” ансамблига бадий раҳбарлик қилиб келаётган Абдуҳошим Исмоилов ижодига нозиклик ва майинлик, ноталардаги ранг-баранг усуллари усталик ва моҳирона ишлатиш хос. Миллий мусиқа санъатимизни баралла тараннум этиш, тарғиб қилиш, уни янада равнақ топтиришда устоз санъаткорнинг хизматлари гоят катта.



Устоз санъаткор репертуаридан йирик халқ чолғу куйлари (“Ўўли Ироқ”, “Насруллоий”, “Наврўзи Ажам” ва бошқалар), мақом йўллари (“Чоргоҳ”, “Се-гоҳ”, “Дугоҳ”) ва бошқалар) кенг ўрин олган. Бастакор сифатида ўзининг қўшиқ ва ялпалари, чолғу ва рақс куйлари билан шухрат қозонган. Устоз санъаткор кўплаб хорижий мамлакатларда ўз ижрочилик маҳоратини намойиш этган.

— Кейинги йилларда миллий мақом санъатини ривожлантиришга катта эътибор қаратил-

моқда, — деди устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдуҳошим Исмоилов. — Юртимизда Халқаро мақом фестивали анъанавий ўтказиб келинмоқда. Барча ҳудудларда мақом ансамбллари ташкил этилиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мусикий кеча мақом, санъат ва нафосат байрами сифатида юксак савияда ўтди. Миллий мумтоз куй-қўшиқлардан иборат мусикий гулдаста иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Абдужаббор Абдувоҳидов, Хайридин Султонов иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири
ЎЗА сураги

ЁШЛАР БАНДЛИГИ

ИШЛАЙДИГАН ТАЛАБАЛАР МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛАДИ

Орифжон БОЗОРОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори

Тезкор замонда яшяпмиз. Одамлар онги, тафаккури, интилишлари, мақсадлари ҳам шиддат билан ўзгараётган даврга хос ва мос тарзда янгиланиб бормоқда. Авваллари ҳар бир талаба фақат билим олиш, танлаган соҳаси бўйича белгиланган фанларни ўзлаштиришга вақт сарфлаши шарт, деган қараш билан таълимга зўр берилган бўлса, бугун амалиётга, фан ва таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувига эътибор кўчаймоқда. Талабани меҳнатга ўргатиш, малакали мутахассис этиб шакллантириш муҳим масалага айланмоқда.



шартнома асосида ишга қабул қилиниши, уларга олийк иш ҳақи тўланиши ҳамда бепул турар жой ва иссиқ овқат билан таъминланишини билдирди.

Аввал амалиётчи, кейин ходим

Жорий йил бошида вилоятимиздаги гигант корхоналардан бири — “Uzbekistan GTL” томонидан олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларига қабул қилиш учун танлов ўтказилган эди. Танлов доирасидаги саралаш имтиҳонлари февраль ойида якунига етди ва 800 иштирокчидан 102 нафари ушбу корхонада кенгайтирилган

бошқармасига қарашли 15 та шаҳар (туман) аҳоли бандликка кўмаклашиш маркази буш иш ўринлари билан иштирок этди.

Шу кунги тадбирнинг очилиш маросимида “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ стипендия дастури ёлиби бўлган институтимизнинг 15 нафар талабасига диплом, “Uzbekistan GTL” МЧЖ заводида малакавий амалиёт ўташ имконини кўлга киритган 42 нафар талабасига сертификат, 31 нафар талабамизга “Дармон фарм” МЧЖ ва “Агро марказ” МЧЖга ишга қабул қилинганини тасдиқловчи сертификатлар топширилди.

Энг асосийси, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, битирувчиларнинг 409 нафари ўз иш ўрнига эга бўлди.

Ҳаракат, изчиллик ва самара

Шу йил март-май ойларида 2021/2022 ўқув йилида бакалаврият йўналишини тугатаётган 1517 талабанинг 955 нафари ўз иш ўрнига эга бўлгани тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Шунингдек, вилоят бандлик бош бошқармаси ҳамкорлигида талабалар учун бизнес учрашувлар ташкил этиш орқали 50 нафар, Ёшлар саноат зонасига ишга жойлаштиришда талабаларнинг бизнес режалари учун банклардан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали 37 нафар, вилоятда инвестиция дастури доирасида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳамкорликда 216 талабанинг бандлигини таъминлаш режа қилиб олинди.

Юртимиз саноати кун сайин ривожланаётгани, хориждан янгидан-янги технологиялар кириб келиши баробарида биз тайёрлайдиган кадрлар уларни



амалиёт ўташ имкониятига эга бўлди. Улар орасида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 42 талабаси ҳам бор. Амалиётда муваффақиятли катнашган талабалар жорий йил июль ва август ойларида муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинади.

Бундан ташқари, “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” АЖ томонидан ҳам талабалар саралаб олинди, иш ҳақи тўланадиган амалиётга жалб этилмоқда. Бу нимадан дарак беради? Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, аввало, малакали мутахассисга талабни қондиришга қаратилмоқда. Корхоналар бизга битирувчилар қачон келар экан, деб кутиб ўтиргани йўқ. Аксинча, ўша битирувчи тайёр кадр бўлиб келиши учун олийгоҳларга ёрдам беряпти, ҳамкорлик қилляпти.

Янгича рух, ўзгача тартибда

Жорий йил апрель ойида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда бандлик бош бошқармаси билан ҳамкорликда “Карьера кун” ва “Бўш иш ўринлари ярмаркаси” ўтказилди. Тадбирда “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ, “Uzbekistan GTL” заводи, “Ўзбурғинейтгаз” АЖ, Муборак нефть ва газни қайта ишлаш заводи, “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” АЖ, “Ўзстандарт” агентлиги Қашқадарё филиали, “Қарши ёғ-экстракция” МЧЖ, Марказий банкнинг Қашқадарё вилояти бош бошқармаси, “Косон ёғ-экстракция” МЧЖ, “Дармон фарм” МЧЖ, “Агро марказ” МЧЖ, шунингдек, тадбиркорлар, фермерлар, қатор хусусий сектор вакиллари-дан иборат 70 дан ортиқ корхонанинг иш берувчи ҳамда мутахассислари, вилоят бандлик бош



САЛОМАТЛИК САРИ

ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУҲФА

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Паркент туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Заркент” санаторийси фойдаланишга топширилди

Бошланиши 1-бетда

Дунё стандартлари талаблари асосида барпо этилган “Заркент” санаторийси очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, қатор вазирилик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар масъуллари, нурунийлар, маҳалла фаоллари, ижодкорлар, устоз-мураббийлар ва ёшлар иштирок этди.

— Президентимиз ташаббуси билан “Инсон қадрини унун” деган бош тамойил асосида эгулик, инсонийлик каби қадриятлар мужассамлашган кўплаб лойиҳалар, инсонларвар ислохотлар амалга ошириляпти, — дейди Қудратилла Рафиқов. — Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда бирдек рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятида инсон ва унинг манфаати юксалаётгани, юртдошларимиз бундан-да яхши яшаши, муносиб меҳнат қилиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши, умрини кўп яхшиликлар билан зийнатлаши бош мақсад қилиб олингани фикримиз тасдиғидир.

Бугун фойдаланишга топширилган “Заркент” санаторийси ҳам улкан бунёдкорлик ва халқ манфаатлари кўзланган сиёсат маҳсулидир. Боиси, давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида ана шу эзгу тақлифни илгари сурган эди. Бугун барчамиз бу ажойиб маскан очилиши тантанасига гувоб бўлиб турибмиз.

Сўлим ва мафтункор Заркент қишлоғида барпо этилган 150 ўринли санаторий нафас йўллари ва асаб тизими касалликларини даволашга ихтисослашган.

Умумий майдони 2,8 гектар бўлган маскан ташхис қўйиш ва даволаш билан бирга саломатлигини тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Барча қўлайликлар бир жойда, яхлит ташкил этилган санаторийда физиотерапия, фитотерапия, лазерли терапия, психотерапия, жисмоний тарбия, ўқалаш, сув билан даволаш каби усуллардан кенг фойдаланган ҳолда муолажалар қилинади. Бу ердаги кўркам боғ ва гулу райхонлар ифори дам олувчиларнинг кўнглига ҳаловат, руҳиятига сокинлик улашади.

Санаторийдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари, мебеллар, инвентарлар, тиббий

асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан 50 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Муҳими, юзга яқин фуқаро иш билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, санаторий Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилида халқимизга муносиб туҳфа бўлди.

Тадбирда “Заркент” санаторийсига “Ласетти” ва “Дамас” автомобиллари топширилди.

— Ўзбекистон том маънода янгиланиш ва ўзгаришлар юртига айлангани, ислохотлар халқимиз турмуши фаровонлигини оширишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси раиси Рустам Қурбонов. — Юртимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқроқ ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бу ўзгаришлар одамлар кўз ўнгиде юз бермоқда. Кўп миллион аъзога эга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳам янги сиҳаттоҳлар барпо этиш, бу орқали халқимиз саломатлигини яхшилаш борасидаги тизимли ишларга ўз ҳиссасини қўшаётгани таҳсинга лойиқ.

Юртдошларимиз соғлигини сақлаш чоратадбирлари йил сайин кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимдаги санаторийлар моддий-техник базасини яхшилаш, уларнинг қабул қувватини ошириш, янги сиҳаттоҳлар фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Пировардида, мавжуд санаторийлар ўз рейтингини, даволаш муолажаси ва усуллари хилма-хиллиги, мажмуавий қўлайликларга эгаллиги билан нафақат Марказий Осиё, балки узоқ хориждаги нуфузли санаторийлар билан бемалол рақобат қила олади. Шу боис, сўнгги йилларда Ўзбекистон санаторийларига чет мамлакатлардан келувчилар сони кескин кўпайди.

“Заркент” санаторийсининг илк дам олувчилари кўп йиллар давомида турли соҳаларда меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган, ўғит ва маслаҳатлари билан ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган отахон ва онахонлар бўлди.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ЮРТДОШЛАРИМИЗ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ЧОРАТАДБИРЛАРИ ЙИЛ САЙИН КЕНГАЙИБ, ТАКОМИЛЛАШИБ БОРМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИЗИМДАГИ САНАТОРИЙЛАР МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯХШИЛАШ, УЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚУВВАТИНИ ОШИРИШ, ЯНГИ СИҲАТТОҲЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА.





ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

Нурислом ТЎХЛИЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон бутун ислом оламида ҳақли равишда маънавий рекреация, яъни зиёрат туризмнинг манзилларидан бири деб тан олинган. Бунга сабаблар кўп. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудида турли конфессиялар ривожланиши билан боғлиқ кўплаб ёдгорликлар ва тарихий жойлар мавжуд. Президентимизнинг шу йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш вазифаси белгиланган. Бу эса мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантириш учун жиддий асосдир.



МАЪНАВИЙ РЕКРЕАЦИЯ ЗАМИНИ

Зиёрат қадимги саёҳат турларидан саналиб, маънавий асосга эга. “Зиёрат” сўзи арабчадан олинган, “кўришга бориш (келиш)” маъносини билдиради. Мусулмонларда зиёрат одатда муқаддас жойларга ташриф буюришни англатас, бошқа дин ва элатларда дунё кезиш тушунчаларига тўғри келади. У кишининг доимий яшаб турган манзилдан узоқлашган ҳолда диний ёки дунёвий муқаддас жойларга зиёрат қилишнинг назарда тутати. Ўнда айтганда, зиёрат кишиларнинг муқаддас жойларга бориши ва у ерларда муайян амалларни бажариши, маънавий-руҳий озука олишидир. Қолаверса, зиёрат одамларнинг маънавий ва жисмоний камолотга эришишига кўмаклашади. Оммавий туризм жисмоний рекреация бўлса, зиёрат туризми маънавий рекреациядир. Шу билан бирга, у барқарор туризмни ривожлантиришнинг муҳим сегменти сифатида миллий ғоя ва бирдамликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Зиёратнинг диний ва дунёвий турларини бир-биридан ажратиш лозим. Биринчиси илоҳий, иккинчиси эса умуминсоний қадриятларга асосланади. Агар диний зиёрат муқаддас жойлар, шахслар, азиз авлиёлар дафн этилган манзилларга боришни билдирса, дунёвий зиёрат табиий, тарихий ва ҳаётий масканларга бориш ва уларни қадрлашда ўз ифодасини топади.

Дунёвий зиёрат компл инсон тарбияси билан чамбарчас боғлиқ сайру саёҳатдир. Хотира ва қадрлар кўнуда “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш, Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” мажмуасини, Самарқанддаги Амир Темур қабрини зиёрат қилиш, кўҳна ва боқий Бухоро маданий маркази ёки Хиванинг Ичан қалъасига ташрифни дунёвий зиёратга киритиш мумкин.

Зиёрат туризмнинг ижтимоий ва маънавий аҳамияти катта. Муқаддас жойларга бориш индустриал жамият кишининг руҳий кечинмалари билан мулоқотга киришиш имкониятини беради. Зиёрат туризми оилаларни бирлаштиришга қулай шароит яратади. Ижтимоий жиҳатдан ўсишга, инсоний бирдамлик, биродарлиқни мустаҳкамлашга, инсоннинг шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Ижтимоий ва иқрий табақаланишни қисқартиради.

Қадимда, ҳали замонавий транспорт ва коммуникация воситалари бўлмаган даврларда Шохизиндада дафн этилган Қусам ибн Аббос мазорини зиёрат қилиш одат тусига кирган. Бу мажмуа ҳозир ҳам зиёратчилар билан гавжум. Шунингдек, Самарқанддаги Имом Бухорий, Ҳўжа Дониёл қабрлари, Ҳазрат Хизр масжиди, Бухородаги “Етти пир” мемориал ансамбли, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий макбаралари муқаддас қадимжолардандир.

Зиёрат туризмни сайёҳликнинг бошқа шаклларида ажратиш анча қийин, албатта. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун келганлар фақат азиз авлиёлар қабрига бориш билан чекланмайди. Улар шаҳарларнинг диққатга сазовор бошқа тарихий, маданий объектлари, меъморий обидаларини кўришни истаيدди. Маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, анъана, урф-одат, қадриятлари, замонавий ҳаёти билан ҳам танишади. Шаҳар ва шаҳарлараро транспорт ҳамда коммуникация воситалари билан фойдаланади. Миллий тансиқ таомлардан тановул қилиб, ҳар хил сувенир, миллий либослар харид қилади. Демак, зиёрат туризмнинг иқтисодий-молиявий аҳамияти ҳам катта.

Шу билан бирга, ишбилармонлик, хизмат сафари, мамлакат тарихи, иқтисо-



диёт, маданиятга қизиқувчилар, конгресс бўйича ташрифчилар орасида ҳам диний объектлар — масжидлар, мадрасалар, сағана ва макбараларни бориб кўрувчилар кам эмас. Тошкент шаҳрига ташриф буюрувчиларнинг кўпчилиги Ҳаситимом (Ҳазрати Имом) мажмуасини зиёрат қилмасдан кетмайди.

Соф зиёрат мақсадида келувчилар, асосан, катта ёшли, ўзига тўқ, ҳисоб-китоб билан иш юритадиган кишилардир. Улар ортиқча харажатни хуш кўрмайди. Шу боис, табиийки, турли кўнгилчор жойлардан ташқари турли молиявий ресурслар, сарф-харажатлар ҳам борки, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш сарфланган маблағни тула қоплагина қолмай, фойда ҳам келтиради. Бунинг устига,

зиёратчи сайёҳларга кўрсатиладиган барча хизмат текин эмас.

Кейинги йилларда юртимизда зиёрат туризмни умумий туризмнинг бир тармоғи сифатида ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмасини такомиллаштириш, соҳани ўрта махсус ва олий малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз макбаралари обод қилиниб, масжид ва мадрасалар, зиёратчилар учун ҳос меҳмонхоналар қурилиб, атрофида бог-роғлар барпо этилди.

Ички ва зиёрат туризми йўналишида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ҳозир Туризм ва маданий мерос вазирлиги тизимида 2 та илмий-тадқиқот институти, 4 та коллеж,

6 та техникум ҳамда Самарқандда “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолият кўрсатмоқда. Университетда малакали хорижлик ҳамда хорижда таълим олган мутахассислар дарс ўтади. Зиёрат туризми йўналишида магистратура ҳам мавжуд.

Буюк алломаларни берган бу муқаддас замин чет эллик туристларни, айниқса, зиёратчи сайёҳларни ўзига оҳанрабодек тортади. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳанузгача зиёрат объектларининг ахборот пакети тула шаклланмаган, зиёратни ташкил этишда инновацион рақамли омиллардан фойдаланиш механизми яратилмаган, зиёрат объектлари хариталари талаб даражасида эмас. Шу муносабат билан мамлакатимизда зиёрат туризми электрон интеграцион платформасини яратиш долзарб бўлиб турибди. Бу масалани эътиборга олиб, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида шундай электрон платформа давлат гранти асосида яратилмоқда. Бу лойиҳа мамлакатимизда мавжуд йirik муқаддас қадимжолар, ноёб объектлар, меъморий ёдгорликлар, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг аниқ тарихий манбаларга асосланган тавсифини яратиш, уларга халқаро стандартлар асосида бренд бериш, “Ўзбекистон зиёрат объектлари” фотоальбому, олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт, тарих, диншунослик, исломшунослик йўналишлари талабалари учун электрон ўқув мажмуасини тайёрлаш имконини беради.

Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори юртимизда туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган сайёҳлик махсулоти ва хизматларини диверсификациялаш, рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ҳамда халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, унинг хизматлари сифатини юксалтириш, туризм махсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга доир вазифа ҳамда чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутати. Жумладан, Самарқандда туризмга хизмат қиладиган халқаро аэропорт фаолияти йўлга қўйилди. Аэропорт соатига 800 йўловчига хизмат қиладиган, “очик осмон” режимида фаолият юритиш, доимий рейслар сонини ҳафтаига 40 тадан 120 тагача ошириш салоҳиятига эга. Мустақил экспертлар аэропорт орқали йўловчи оқимини йилга 480 минг кишидан 2 миллион кишига ошириш имконияти мавжудлигини кайд этмоқда.

Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, салоҳиятли шаҳар ва туманларда сайёҳлар ҳамда меҳмонлар учун хизмат кўрсатувчи тунги савдо комплекслари ва хизмат кўрсатиш шохсочалари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан ишлар бошланган. Дастлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида сайёҳлар учун шароитлар яратилмоқда. Сайёҳлар учун 24 соат давомида хизмат кўрсатишга эришиш орқали аҳоли бандлиги таъминланади. Бунга ўхшаш ички ва зиёрат туризми инфратузилмасини яратиш ишлари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида олиб боришмоқда.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат марказининг
Фарғона вилояти бўлими раҳбари

Бугунги глобаллашув даврида дунёнинг ҳар бир қарич ерида инсон онги ва тафаккури учун кескин кураш кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу барчамизни сайёрамиз ва мамлакатимизда кечаётган турфа ўзгаришларни тийрак нигоҳ билан кузатишга ҳамда муштарак мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар жараёнида фаол ва фидойи бўлишга ундайди.

Юртимиз ривож, халқимиз фаровонлигини таъминлашда икки таянч устун бор. Унинг бири — иқтисодиёт бўлса, иккинчиси маънавиятдир. Айни жиҳатларни инобатга олиб, давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида мамлакатда ишчанлик, ташаббускорлик, ўзаро хайрихоҳлик ва ёрдам муҳитини шакллантириш мақсадида “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини яратиш ташаббусини илгари сурди. Унда миллий жиқслик ва дунёвийлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик, инсон қадри, эркинлик ва масъулият, бағрикенглик ва сиғирувий хилма-хиллик, инновацион тафаккур амалии давр тақозосига айланган ғоят муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда мафкура, маънавият соҳасининг аҳамиятини теран англаган юрт етакчисининг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: “**Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.**”

Жорий йил 12-13 май кунлари Президентимиз Фарғона вилоятида бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳаётбахш самараларини кўриш асносида келгуси фаолиятимизда муҳим дастуруламал бўладиган фикрларни ҳам билдирди. Самимий мулоқотлардан келиб чиққан биринчи хулоса шу: янгича тафаккур ва дунёқараш бугунги ислохотлар “драйвери” бўлиши зарур.

“Биз Фарғонадан катта натижалар кутамиз. Бу эл тарихдан илм-фан, маданият, хунармандлик бўйича намуна бўлган. Фарғоналиклар меҳнатсевар, ишбилармон. Бу салоҳиятни, ички имкониятларимизни тўлиқ йўлга қўйиб, халқимизни рози қилиш керак”, деди Президентимиз.

Оптирик тумани қир-адирларида барпо этилган минг гектарлик узумзордаги юзма-юз мулоқотда Фарғона қишлоқ ҳўжалигида катта натижаларга эришаётгани, одамларнинг дунёқарашини ўзгараётгани, экспорт имкониятлари кенгайиши орқали турмуш фаровонлиги яхшиланаётгани кайд этилди. Лекин кечаги натижа бугунга тўғри келмаслиги, доим изланишда, ҳаракатда бўлишимиз кераклиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бу ерда бўлган киши инсон қўли билан муъжиза яратилишига ғувоҳ бўлади. Тошлоқ

Ташаббуслар билдирилди,
эътибор ва рағбат кўрсатилди

Фарғона хунармандчилик мактаби нақшлари, ранг-баранг, бетакор жилолари билан етти иқлимга машхур. Фурқат туманидаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонаси раҳбари, Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусов ушбу анъаналарни муносиб давом эттираётган устозда. Замонавий хунармандлик мактаби ташкил этилгани ва ҳар бир амалий

санъат асариде маърифатли халқимизнинг энг эзгу фазилатлари намоён бўлаётгани нақадар қувонарли.

— Илм-фан ютуқлари, инновациялар хунарманд ишчини ҳам енгиллаштирди, — дейди Муҳаммадали Юнусов. — Авваллари битта нақш устида ҳафталаб кўз нурини тўкишга тўғри келарди. Янги дастгоҳ ва ускуналар туфайли машаққатли меҳнатимиз осон бўлди. Аммо шогирдларимга ҳамиша бу шунчаки қўл меҳнати эмас, балки қалб ғўзаллиги, маънавиятини кўз-қўз қилувчи юмуш эканлигини ўқитишга ҳаракат қиламан.

Икки кўнлик ташриф доирасида Учқўприк ва Бувайда туманларида қўлиғул чеварлар, бобомерос хунарларни замонавий мезонлар асосида ривожлантираётган хунармандлар, Қўштепа, Тошлоқ туманлари, Марғилон шаҳрида келажак корхоналарини бунёд этган янги авлод тадбиркорлари билан марокки сўхатлар бўлиб ўтди. Уларнинг орзуларига қанот, ғайрат-шижоат бағишловчи ташаббуслар билдирилди, эътибор ва рағбат кўрсатилди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари 2021 йили вилеятда 10 мингдан кўпроқ кичик корхоналар ташкил этилган, экспорт ҳажми 801 миллион долларга етганини улкан ютуқ сифатида эътироф этди.

Фарғоналиклар бу йилги марраларни янада баланд олаётгани қувонарлидир. 2022 йил якуни билан вилеятда экспорт, инвестиция жалб қилиш ҳажминини бир миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу йил вилеят маҳаллий бюджетида 1 триллион сўм қолиши кутилаётган бўлиб, ушбу маблаг одамларга муносиб турмуш шароити яратиш, тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилаш, маънавий-маърифий ислохотларни янада жадаллаштириш имконини беради.

2022-2023 йилларда вилеятда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалигида умумий қиймати 31 триллион сўм бўлган 1 минг 268 та инвестиция лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Айни жараёнда кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, электротехника, чарм, фармацевтика тармоқлари ривожланиш драйвери бўлади.

Юксак тараққиётнинг
тамал тоши

Маънавий-маърифий тарғибот масаласида самарасиз эски усуллардан воз кечилиб, янги анъана ва қадриятлар шаклланимоқда. Мақсад аниқ — иқтисодий тараққиёт, янгилашни ва тадбиркорлик соҳасида эртанги кун истиқболи учун дадил одим ташлаш баробарида жамиятимизнинг маърифий юксалишига ҳам эришишдир!

Яқинда вилеятда “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улугланган юрт” широри остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Унда элимиз сўйган санъаткорлар, шоир ва ва ёзувчилар, маънавият тарғиботчилари иштирок этиб, аҳоли билан самимий мулоқот қилди. Сара фильмлар намойиш қилиниб, китоблар тўхфага этилди.

Байрам тадбирлари, қўтлуг саналар, фестиваллар, маънавий-маърифий учрашувлар, буларнинг барчаси, юртимизда ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, инсон қадри ҳар недан улуғ бўлган жамият қуриш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар сирасига кирди.

Бу Уччинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори, юксак тараққиётнинг тамал тоши бўлиб қилибди. Бугун барчамиз ана шундай тарихий жараёнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси эканлигимиз билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. **Бўртма** — 1868.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

85744 нусхада босилди.
“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мўножат Мўминова
Мусахҳис: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 23:05 Топширилди — 00:15